

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60410400 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иктисодиёт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи 4
1.1.	Қўлланиш соҳаси 4
1.1.1.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши..... 4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... 4
1.2.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи 4
1.2.1.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари..... 4
1.2.2.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари..... 5
1.2.3.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари..... 5
1.2.4.	<i>60410400-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари..... 5
2.	<i>5230600-Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... 7
2.1.	Умумий компетенциялар..... 7
2.2.	Касбий компетенциялар..... 7
	Библиографик маълумотлар..... 8
	Керишув варағи 8

1. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси), “Иқтисодчи” квалификацияси берилади ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60410400 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши** бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60410400-Молия ва молиявий технологиялар бакалаврият таълим йўналиши – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат ва корпоратив молия тизими, молиявий бозорлар ва молиявий воситачилик операциялари билан шугулланувчи институтлар, турли мулк шаклларида тегишли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари молиявий хизмат тизими, молия, кредит ва суғурта муассасалари, молиявий бозорлар профессионал иштирокчилари давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ, илмий тадқиқот ташкилотлари, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг молиявий, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва молиявий таҳлил

хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва корхоналар молиясини ривожлантиришга, истикболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услублари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- Ўзбекистон республикаси давлат солиқ кўмитаси;
- таълим муассасалари;
- реал сектор корхоналари молиявий хизмат тизимлари;
- тижорат банклари;
- суғурта ташкилотлари;
- лизинг компаниялари;
- фонд, валюта ва товар хом ашё биржалари;
- қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари;
- илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтлари илмий лойиҳалари;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи.

1.2.3. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш ишларини ташкил этиш;

- давлат, корпоратив молиявий муассасалар, корпоратив тузилмалар молиявий хизмат тизими ва уй хўжаликлари молиявий фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;

- давлат, корпоратив молиявий муассасалар, корпоратив тузилмалар молиявий хизмат тизими алоҳида бўлинмалари ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- ҳиссали, қарзли молиявий инструментлар, қимматли қоғозлар ҳосилавий инструментлари сифат тавсифлари аниқлаш, улар қийматини баҳолаш;

- молиявий инвестициялар ва инструментлардан шакллантирилган портфелларни самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, диверсификациялаш ва бошқа арбитраж операциялар орқали молиявий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш;

- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар даромад ва харажатларини ўзида мужассамлаштирувчи ялпи фискал балансни самарадорлик контекстида таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш;

- давлат ва корпоратив молиявий муносабатларга оид амалий муаммолар ечимларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва амалиётга тадбик этиш жараёнини ташкил қилиш;

- молиявий муассасалар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- замонавий ахборот технологиялардан молиявий менежмент тизимида фойдаланиш, хизмат кўрсатиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- мамлалкат ва алоҳида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш, унинг самарадорлигини баҳолаш ва давлат қарзларини бошқаришга оид оптимал қарорларини қабул қилиш;

- давлат ва корпоратив тузилмалари активлари, пасивлари ва молиявий натижаларини молиявий бошқаришнинг замонавий механизмларини қўллаш орқали улар фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялардан давлат ва корпоратив бошқарув тизимида фойдаланиш, молиявий-хўжалик фаолияти диагностикаси, мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун давлат ва реал сектор молиявий салоҳиятига таъсир этувчи ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- давлат ва корпоратив сектор корхоналари, молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи муассасалар, молиявий бозорларга оид молиявий қарор қабул қилиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- давлат ва корпоратив сектор корхоналари, молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи муассасалар, молиявий бозорлар фаолиятига оид ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;

- давлат корхоналари, бюджет ва бюджетдан маблағ олувчи, реал сектор тадбиркорлик субъектлари молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда молия тизимини самарали фаолиятининг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширишда молия тизими ва унинг замонавий бўғинларининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари, моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммо ечимини ишлаб чиқиш;

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш молиявий имкониятларига бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- интернет тармоғида глобал ва миллий молия тизимига энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- молия тизими тараққиётига жизмат қилувчи инновацион ишланмаларни трансфертини амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- молиявий тадбиркорлик(дилерлик, брокерли, трейдерлик, фрилансинг, аутсорсинг ва б.) турларининг кенг спектрида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш.

2. 60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- иқтисодиёт ва молия соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли инструментлар, усуллар, стандартлар ишлаб чиқиш жараёнида қатнашиш;
- турли даражадаги бюджетларни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатларини жросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш;
- давлат бюджетини кассали ижро этиш ҳисобини, давлат бюджети ягона ҳисобварағи орқали операцияларни бошқаришни, Ўзбекистон республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ўрнатилган тартибда кассали ижро этишни амалга ошириш;
- корпоратив молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш услубларини билиш ва қўллаш;
- турли даражадаги бюджетлар даромад ва харажатларини прогнозлаштириш ҳамда режалаштириш, бюджет лойиҳасини тузиш, ижро этиш босқичларида давлатнинг молиявий назорат усулларини билиши;
- тадбиркорлик субъектлари бўйича назорат ва молия органларининг молиявий назоратини амалга ошириш;
- молиявий инструментларнинг кенг арсенали шароитида фонд бозорларида профессионал иштирокчи сифатида фаолият олиб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, молия, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодий университет



Ректор  К. Шарипов

202_ йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор  М. Эсанов

2021 йил « _____ » _____

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-
солиқ тадқиқотлари институти

Директор
ўринбосари  Д. Пулатов

2021 йил « _____ » _____

М.Ў.

Тошкент молия институти



Ректор  Т. Тешабоев

202_ йил « _____ » _____

Ўзбекистон Республикаси Тошкент
вилояти Ҳокимлиги Молия Бош
бошқармаси

Бошлиқ
ўринбосари  З. Турсунов

2021 йил « _____ » _____

М.Ў.